

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрда қабул қилинган **«Географик объектларнинг номлари тўғрисида»**ги УРҚ–303-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 10, 273-модда; 2017 йил, № 8, 383-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **4-модда:**

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шоҳқўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) айрим одамларнинг, жамоат арбобларининг, сиёсий арбобларнинг исми-шарифини беришга, қоида тарикасида, йўл қўйилмайдиги, бундан Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахслар мустасно»;

еттинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бир туман, шаҳар доирасидаги, таркибида туманлар мавжуд бўлган шаҳар ёки аҳоли пункти доирасидаги бир нечта турдош географик объектга»;

2) қуйидаги мазмундаги **4¹-модда** билан тўлдирилсин:

«4¹-модда. Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартиришда маҳаллий аҳолининг фикрини ҳисобга олиш

Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида тақлифлар тайёрлаш жараёнида маҳаллий аҳолининг фикри ҳисобга олинади.

Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартиришда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан маҳаллий аҳолининг фикри ҳисобга олинади.

Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлифларни келиб тушганидан кейин муҳокама қилиш учун уларни беш иш кундан кечиктирмай ўз расмий нашрларида, расмий веб-сайтларида, шунингдек оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Тақлифларнинг муҳокамасини ўтказиш мuddати географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлифлар эълон қилинган санадан эътиборан ўн беш кундан кам бўлмаслиги керак.

Маҳаллий аҳоли географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлифларга нисбатан ўз фикрини огази, ёзма ёхуд электрон шаклда якка тартибда ёки жамоа бўлиб билдириши мумкин. Бунда шахсининг фамилияси, исми, отасининг исми, шунингдек унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлифларга нисбатан аҳолидан келиб тушган фикрларни умумлаштиради ҳамда бу фикрларни географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича тегишли комиссияга

киритади, мазкур комиссия хулоса тайёрлаш чоғида бу фикрларни ҳисобга олади»;

3) **10-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шоҳқўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш фуқароларнинг ташаббуслари, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг илтимосномаларига асосан туманлар, шаҳарлар ҳокимлари киритган тақлифга кўра халқ депутатлари туманлар, шаҳарлар Кенгашлари томонидан, таркибида туманлар мавжуд бўлган шаҳарларда эса туманлар ҳокимлари киритган тақлифларга кўра халқ депутатлари шаҳарлар Кенгашлари томонидан амалга оширилади, бундан ушбу Қонуннинг 10¹-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Туман, шаҳар ҳокими фуқароларнинг ташаббусларини, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шоҳқўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги туман, шаҳар комиссияси томонидан қўриб чиқилган тақлифларни тегишнча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар комиссиясига юборади, комиссия тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади, шундан сўнг уларни географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуктаи назаридан давлат экспертизасидан ўтказиш учун Кадастр агентлигига топширади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар комиссияси амалга оширилган ишларнинг якунларига кўра ҳамда давлат экспертизаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тегишли хулоса беради, ушбу хулоса Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига юборилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шоҳқўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини бериш тўғрисидаги тақлифни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар комиссиясига юборади, комиссия тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади, шундан сўнг уларни географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуктаи назаридан давлат экспертизасидан ўтказиш учун Кадастр агентлигига топширади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар комиссияси амалга оширилган ишларнинг якунларига кўра ҳамда давлат экспертизаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тегишли хулоса беради, ушбу хулоса аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида тақлиф киритган туман, шаҳар ҳокимига юборилади»;

4) қуйидаги мазмундаги **10¹-модда** билан тўлдирилсин:

«10¹-модда. Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини бериш

Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини бериш уларнинг вафотидан кейин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақлифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан ҳамда, қоида тарикасида, номлари мавжуд бўлмаган аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига нисбатан амалга оширилади.

Туман, шаҳар ҳокими аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шоҳқўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини бериш тўғрисидаги фуқаролар

ташаббусларини, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг илтимосномаларини қўриб чиқади ҳамда уларни зарур ҳужжатлар билан бирга тақлифлар тайёрлаш учун туман, шаҳар комиссиясига юборади.

Туман, шаҳар комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни уларнинг географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуктаи назаридан қўриб чиқади, кейинчалик тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар комиссиясига киритиш учун тақлифлар тайёрлайди, шунингдек уларни туман, шаҳар ҳокимига юборади.

Туман, шаҳар ҳокими туман, шаҳар комиссияси томонидан қўриб чиқилган аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шоҳқўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини бериш тўғрисидаги тақлифларни тегишнча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар комиссиясига юборади, комиссия тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади ва уларни географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуктаи назаридан давлат экспертизасидан ўтказиш учун Кадастр агентлигига топширади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар комиссияси амалга оширилган ишларнинг якунларига кўра ҳамда давлат экспертизаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тегишли хулоса беради, ушбу хулоса Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига юборилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шоҳқўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини бериш тўғрисидаги тақлифи Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси билан келишади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимлари аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шоҳқўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини бериш тўғрисидаги илтимосномани, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар комиссиясининг хулосасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шоҳқўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини бериш тўғрисидаги илтимосномаларини қўриб чиқади ҳамда уларни зарур ҳужжатлар билан бирга хулоса олиш учун республика комиссиясига юборади.

Республика комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни ҳар томонлама ўрганиб чиқади ва тегишли хулоса беради, ушбу хулоса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шоҳқўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) Ўзбекистон ёки жаҳон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ИССИҚХОНА ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЮЗАСИДАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур имтиёзлар Иссиқхона хўжаликлари молиявий аҳолини соғломлаштириш ва ривожлантириш бўйича **республика ишчи гуруҳининг ўрганиш натижаларига кўра шакллантирилган рўйхат асосида** тақдим этилади;

б) иссиқхона хўжаликларини айланма маблағ (уруғлик, кўчат, ўғит, кимёвий воситалар, иссиқхона материалларини сотиб олиш ва иситиш харажатлари учун) билан таъминлаш учун тижорат банклари томонидан **бир йил мuddатга олти ойлик имтиёзли давр** билан кредит ажратилиш. Бунда:

мазкур кредитлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 октябрдаги ПК–387-сон қарорида назарда тутилган тартибда ва шартларда **Богдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигига ажратилган бюджет ссудаси ҳисобидан молиялаштирилади**;

иссиқхона хўжаликларида экспортбоп маҳсулот етиштиришга талаб этиладиган айланма маблағлар учун **хорижий валютадаги банк кредитлари Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан йиллик 4 фоиз ставкада** (шундан банк маржиси **2 фоиз**) ажратилади. Бунда кредит таъминоти сифатида **“Ўзбекинвест” сугурта компанияси сугурта полиси қабул қилинади ва сугурта муқофоти харажатларининг 75 фоизи Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади**; ажратилган кредитларни қайтариш мuddатлари иссиқхоналарда **ҳосиллни йиғиб олиш ва сотиш мuddатларига мослаштирилади** ҳамда кредитларни қайтариш графикалари шу асосида тасдиқланади;

в) иссиқхона хўжаликларида табиий газ бўйича тўловни ўз вақтида амалга оширмаганлик учун **пеня суммаси 2022 йил 1 октябрдан 2023 йил 1 апрелгача**, истисно тарикасида, **ҳисобланмайди**.

3. Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги Марказий банк

ва тижорат банклари билан биргаликда **15 кун** мuddатда мазкур қарорнинг **2-бандида** назарда тутилган **миллий ва хорижий валютадаги кредитларнинг белгиланган тартибда қайта расмийлаштирилишини** таъминласин;

4. **Шундай тартиб ўрнатилсинки**, унга кўра:

а) иссиқхона хўжаликлари учун тижорат банкларига кредит ва уларнинг фозини қайтариш мuddати **катъий равишда маҳсулотнинг пишиб-етилиши даврига мослаштирилади**; б) саноат типидagi замонавий иссиқхона ва логистика марказларини ташкил этиш учун **яxлит майдонлар ягона** (худудда) **“лот” билан очиқ аукцион савдоларига чиқарилади**. Бунда ажратиладиган майдонлар ҳажми худуд шароитидан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари томонидан белгиланади.

5. 2022-2023 йилларда иссиқхона хўжаликлари муҳандислик-коммуникация тармоқлари (ичимлик ва оқова сув, электр энергияси ва ирригация тармоқлари) билан таъминлаш бўйича **манзилли рўйхат 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин**.

Молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда **бир ой мuddатда** 2022-2023 йилларда республика бўйича фаолият кўрсатаётган ва янгидан ташкил этиладиган **иссиқхоналар учун электр узатиш линияларини қуриш, ирригация ва мелиорация тармоқларини тортиш дастурини** ҳамда ажратиладиган бюджет маблағлари параметрларини тасдиқласин. Бунда ажратиладиган маблағлар **кичик саноат зоналари учун назарда тутилган бюджет маблағлари доирасида** қўриб чиқилади.

6. Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги эл-чихоналари билан биргаликда:

бир ой мuddатга хусусий сектор иштирокида аъёнавий йирик экспорт бозорлари худудида мева-сабзаовтларни сақлаш,

саралаш ва қадоклаш каби комплекс логистика имкониятларига эга бўлган **савдо маҳмуаларини ташкил этиш** юзасидан тақлифлари Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

ташқи бозорларда **“олдиндан қутилмаган”** ва носоғлом рақобат оқибатида юзага келадиган молиявий йўқотишларни, аввало, экспортга юкланадиган маҳсулотлар бўйича хорижий ҳамкорлар билан тузиладиган **узоқ мuddатли савдо шартномалари орқали олдини олиш чораларини кўрсин**.

2022 йил якунига қадар Япония, Корея Республикаси, Европа мамлакатларида **янги экспорт бозорларини очиш** юзасидан ҳукуматлараро келишувлар имзоланишини таъминласин.

7. Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Энергетика вазирлиги **бир ой мuddатда** худудлардаги иссиқлик электр станциялари ва марказларидан иссиқлик энергияси олиб фаолият юритадиган иссиқхоналарга энергия етказиб беришда **“сунъий” воситаларга пайдо бўлиши ва нархларнинг асоссиз ўсшининг олдини олиш** чораларини кўрсин.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги билан биргаликда иссиқхоналарда етиштирилган маҳсулотларни бозорларга етказишни кенгайтириш мақсадида **халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан** агрологистика лойиҳаларини амалга оширишда **юк автомобилларини (советикчили) харид қилишни молиялаштириш** чораларини кўрсин.

9. Иссиқхона хўжаликлари молиявий аҳолини соғломлаштириш ва ривожлантириш бўйича республика ишчи гуруҳининг таркиби (кейинги ўринларда — **Республика ишчи гуруҳи**) **2-иловага мувофиқ** тасдиқлансин.

Республика ишчи гуруҳи (А.Воитов):

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, тижорат банклари билан биргаликда худудлардаги **самарасиз иссиқхона хўжаликларини аниқлаб, эгалари билан келишган ҳолда уларнинг янги ташаббускор-**

тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини бериш тўғрисида республика комиссиясининг хулосасини ҳисобга олган ҳолда тақлифлар тайёрлайди ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Президентига қўриб чиқиш учун киритади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақлифларини қўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг тоифаларини аниқлаш мезонлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

5) **14-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлифларнинг давлат экспертизаси:

республика комиссияси томонидан – туманлар, шаҳарлар, вилоятларга, табиий объектларга, транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектиларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлифларга нисбатан;

Қорақалпоғистон Республикаси комиссияси томонидан – Қорақалпоғистон Республикаси худудида жойлашган туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларга, аҳоли пунктларига ҳамда уларнинг таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлифларга нисбатан; вилоятлар комиссиялари томонидан – шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларга, аҳоли пунктларига ҳамда уларнинг таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлифларга нисбатан;

Тошкент шаҳар комиссияси томонидан – аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлифларга нисбатан тайинланади»;

6) **15-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«тегишли географик объект жойлашган худудда яшовчи маҳаллий аҳолининг фикрини ўрганишга оид ҳужжатлар»;

тўртинчи – еттинчи хатбошилари тегишинча **бешинчи – саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 2 ноябрь
№ ЎРҚ–799

ларга ўтказиб берилишини (олди-сотди, кредит бўйича банк олдидаги мажбуриятларни сотиб олиш ёки бошқа келишилган шартларда) ташкил этсин;

икки ой мuddатда ер участкасига бўлган эгалик ҳуқуқини расмийлаштиришда муаммоси бўлган иссиқхона хўжаликларини хатловдан ўтказиб, уларнинг ечими бўйича Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини қўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссиясига тақлиф киритсин;

иссиқхона хўжаликлари молиявий аҳолини соғломлаштириш ва ривожлантириш бўйича **доимий равишда тақлифлар киритиб борсин**.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларида иссиқхона хўжаликларида интенсив усулда маҳсулот етиштириш, уларни ички ва ташқи бозорларга йўналтириш бўйича ижобий тажрибаларни атрофича ёритиб борсин.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири А.Б.Воитов ва молия вазири Т.А.Ишметов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, унинг ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари Ш.М.Ганиев ва Ж.А.Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 2 ноябрь

БОШ ҚОМУСИМИЗГА КИРМАЙ ҚОЛГАН МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАР

1 Бош қомусимизнинг қўлаб моддалари қатори 17-моддасига ҳам муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Улар мамлакатимиз ташқи сиёсатининг конституциявий асосларини янада мустаҳкамлаш билан боғлиқдир.

Амалдаги 17-моддада Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти экани, унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг бузилмаслиги, низооларни тинч йўл билан ҳал қилиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланиши катъий белгилاب қўйилган.

Тан олиш керак, ўтган йиллар мобайнида Бош қомусимизда муҳрлаб қўйилган ушбу ҳаётбахш таъминлар асосида мамлакатимизнинг ташқи сиёсати изчил ривожланди. Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро жараёнлардаги иштироки сезиларли даражада юксалди. Мамлакатимизнинг изчил, прогрессив ва тинчликпарвар ташқи сиёсати халқаро ҳамжамият томонидан тан олинмоқда.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси қўшилган бир қатор халқаро шартномаларнинг мажбуриятларидан келиб чиқади. Улар халқаро ва давлатлараро ташкилотларнинг таъсис ҳужжатларида, низоомларида ва бошқа жаҳоний ҳужжатларда ўз аксини топган.

Шу пайтга қадар ўндан ортиқ норма ва қоидалар ишлаб чиқилганини таъкидлаш лозим. Уларнинг асосий манбалари сифатида БМТ Низоми (1945), Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

➡ Мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш борасида республика бўйича фаолият олиб бораётган 219 та “Баркамол авлод” болалар мактабида туризм ва экология тўғрақлари фаолияти йўлга қўйилиб, уларда 31 минг 268 нафар ўқувчи-ёш аъзоликка олинган.

Шунингдек, умумий ўрта таълим муассасаларида “Одобнома”, “Ватан туйғуси”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” ҳамда “Дунё динлари тарихи” фанларини бирлаштирган ҳолда ягона “Тарбия” фани 1 — 9-синфларда 2020/2021 ўқув йилидан, 10 ва 11-синфларда эса 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб умумий соатлар доирасида босқичма-босқич амалиётга жорий этилган.

Тарбия фани концепцияси асосида яратилган дастур амалдаги соғлом авлод асослари, йўл ҳаракати қоидалари, ҳаёт хавфсизлиги асослари, саломатлик дарслари, ҳуқуқий тарбия, экологик тарбия,

медиа маданияти, иқтисодиёт ва солиқ сабоқлари каби бир қанча факультатив ўқув курслари дастурларини ўз ичига қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир.

Мажлисда амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, концепцияда назарда тутилган айрим талабларнинг жорий этилишида камчиликларга йўл қўйилганлиги айтиб ўтилди. Хусусан, ўқув фанлари доирасидаги экологик билимларни амалиётга жорий этиш, фанлар мазмунини аниқ экологик масалалар билан бойитиш, ўқувчи ёшга мос тарзда экологик билимларни қиритиб бориш ишлари етарли даражада амалга оширилмаганлиги, муҳим экологик саналарга бағишлаб назарий ва амалий машғулотлар ўтказиш бўйича педагоглар учун махсус қўлланмалар етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги, мактаб кутубхоналари экологик адабиётлар ҳамда кўргазмали материаллар билан етарлича таъминланмагани ҳамда уларнинг ахборот ба-

засини яратиш ишлари охирига етказилмаганлиги, ҳудудларда экология соҳасида фаолият олиб бораётган давлат органлари ва ННТ билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилмаганлиги таъкидланди.

Қайд этилганидек, миллий қадриятларимиздан дарс жараёналарида ўринли фойдаланиш ўқувчиларнинг атроф-муҳит мусаффолиги сайтиёрамиз учун ҳаётий зарурат эканини тушуниб етишига ёрдам беради. Шу маънода, умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқитувчиларида экологик билим ва тайёргарлик талаб даражасида эмаслиги, узлусиз таълимда мукаммал экологик базанинг йўқлиги, экология бўйича ўқув лабораториялари ва жиҳозлари етишмаслиги, малакали эколог кадрларнинг камлиги ечимини кутаётган масалалардандир.

Табиятда рўй бераётган ноҳус ҳодисалар оқибатларини бартараф этиш, бундай ҳолатларнинг олдини олишда экологик таълим-тарбия-

нинг ўрни ниҳоятда катта. Экологик таълим-тарбия — бу халқимизнинг эзгу аънаналари асосида ёшларни тарбиялаш, улар онгида табиятга, унинг бойликларига меҳр-муҳаббат уйғотиш, уларни табиий бойликларини асраб-авайлашга ўргатишдан иборат.

Қўшма мажлисда масъулларга экологик таълим самарадорлигини янги босқичга кўтариш, таълим дастурларини мавжуд экологик муаммолар ва уларни бартараф этиш вазифаларидан келиб чиқиб тақомиллаштириб бориш, экологик таълимнинг фойдали шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, кадрлар тайёрлаш тизими натижадорлигини ошириш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги ваколатли давлат органлари ва таълим соҳасининг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантириш каби масалалар юзасидан кўрсатма ва тавсиялар берилди.

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОДЕКСДА ЯНГИ НОРМАЛАР АКС ЭТМОҚДА

➡ Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига бандлик, индивидуал меҳнат муносабатлари, ходимларни қасбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, айрим тоифадаги ходимлар меҳнати тартибга солиш хусусиятлари, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш, низоларни кўриб чиқишни назарда тутувчи қўллаб нормалар қўшилди.

Шу билан бирга, янги Кодексда ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтож ишчиларнинг айрим тоифалари — аёллар ва оилавий мажбуриятларни бажариш билан шуғулланадиган шахслар, 18 ёшга тўлмаган ишчилар, ногиронлиги бўлган, ўриндошлик асосида ишловчилар, яқна тартибдаги тадбиркорлар меҳнати тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам акс этган.

Семинарда иштирокчилар томонидан янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига қандай янги нормалар назарда тутилмоқда, қонунни амалиётга жорий этиш орқали нима-ларга эришиш мумкин, деган саволлар кўтарилди.

Депутатларнинг айтишича, янги Кодексда ходимнинг шахсга доир маълумотларини ҳимоя қилиш тартиби жорий этилди. Меҳнатда акс муносабатлар сабабли иш берувчи тақдим қилинган ходимнинг, шунингдек, унинг оила аъзоларининг ҳаётидаги фактлар, воқеалар

нинг меҳнати ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинди.

Ишончли қонунчи, янги таҳрирдаги Кодекс меҳнат муносабатлари соҳасидаги қатор муаммоларни, меҳнат бозоридagi вазиятни инобатга олиб, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, қонуний ҳал қилиш имконини беради.

Шу нукта назардан, биз халқ вакиллари янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг мазмун-моҳиятини фуқароларга, вазирликлар ва идоралар, жойлардаги ижро этувчи органларнинг мутасаддиларига ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакиллариغا етказишимиз лозим бўлади. Зотан, янги Кодекснинг ижросини самарали ташкил этишга қўмаклашиш устувор вазифалардан биридир.

Семинарда иштирокчилар томонидан янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига қандай янги нормалар назарда тутилмоқда, қонунни амалиётга жорий этиш орқали нима-ларга эришиш мумкин, деган саволлар кўтарилди.

Депутатларнинг айтишича, янги Кодексда ходимнинг шахсга доир маълумотларини ҳимоя қилиш тартиби жорий этилди. Меҳнатда акс муносабатлар сабабли иш берувчи тақдим қилинган ходимнинг, шунингдек, унинг оила аъзоларининг ҳаётидаги фактлар, воқеалар

Сўз — иштирокчиларга

Дилмурод ИСМОИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Янги таҳрирдаги Кодексда, аввал бўлмаган, яъни иш билан таъминлаш жараёнларини рақамлаштириш, электрон меҳнат дафтарчаларини юритиш, меҳнат шартномаларини тузиш ва ягона маълумот базасида рўйхатдан ўтказиш механизмлари очиб берилган.

Шунингдек, меҳнат низоларини кўриб чиқиш жараёнида жамоат қўлиб назорати механизмлари акс эттирилди. Яқна меҳнат низолари комиссияларда ёки судда ҳал қилиниш ҳолатлари кўрсатилган, яқна меҳнат низои медиаторга юберилишини жорий этиш, меҳнат арбитражи тизими йўлга қўйилди.

Низоларни муқобили ҳал қилишнинг имкониятлари кенгайтирилиб, судлардаги иш ҳажми камайтирилди. Айрим тоифадаги ходимлар

нинг меҳнати ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинди.

Ишончли қонунчи, янги таҳрирдаги Кодекс меҳнат муносабатлари соҳасидаги қатор муаммоларни, меҳнат бозоридagi вазиятни инобатга олиб, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, қонуний ҳал қилиш имконини беради.

Шу нукта назардан, биз халқ вакиллари янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг мазмун-моҳиятини фуқароларга, вазирликлар ва идоралар, жойлардаги ижро этувчи органларнинг мутасаддиларига ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакиллариغا етказишимиз лозим бўлади. Зотан, янги Кодекснинг ижросини самарали ташкил этишга қўмаклашиш устувор вазифалардан биридир.

Даврон АРИПОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Кўпчилик фуқароларимизнинг асосий вақти даярли ишда ўтади. Бу эса иш жараёнида ходимларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг меҳнат қилиш, қасб танлаш, адолатли ва хавфсиз шартноиларда ишлаш ҳамда ишсизликдан ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларини давлат томонидан қоплатишга таъқозо этади.

Шу сабабли янги Кодексда ходимларнинг ўз ҳуқуқларини ўзи ҳимоя қилиш тартиби аниқлаштирилди. Жорий этилган тартибга асосан, ўзини-ўзи ҳимоя қилиш мақсадида ходим ўз ҳаётига ва соғлиғига бевосита таҳдид солувчи, шунингдек, иш берувчининг талабига кўра меҳнат шартномасида назарда тутилмаган ишни бажаришни рад этиши мумкин. Бунда ходимдан ўзининг бевосита раҳбари ёхуд иш берувчининг бошқа вакилини ёзма шаклда хабардор қилиб қўйиш талаб этилади.

Ушбу ҳужжатда меҳнат хавфсизлигини кучайтиришга қаратилган нормалар ўз аксини топди, “мოსлаштирилган иш режими” деган тушунча ҳам киритилди. Меҳнат жараёнини рақамлаштириш, электрон меҳнат дафтарчасини юритиш, ягона ахборот базасида (my.melnat.uz) меҳнат шартномасини тузиш ва рўйхатдан ўтказиш механизмга оид қоидалар акс этди.

Масофадан ишлаш тизимининг ҳуқуқий асослари яратилиб, масофадан ишловчилар меҳнатининг ўзига хос хусусиятларини белгилувчи алоҳида парagraф киритилгани эса яна бир муҳим янгилликлардан бири бўлди.

Қисқаси, янги Кодексда ходимлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қўллаб янги нормалар ўз ифодасини топган.

«Халқ сўзи».

Қонун ва ижро

ЛОЙИҲА НАТИЖАЛАРИНИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР МАВЖУД

Кейинги йилларда инновациялар ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқаруви ва давлат хизматларини кўрсатишнинг барча соҳасига жорий этиш бўйича изчил ислохотлар олиб боришмоқда.

“Инновацион фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинда инновацион фаолият соҳасида давлат таъхил тадбирлари давомида юқоридаги қарорларда белгиланган айрим топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишида ечимини кутаётган масалалар мавжудлиги кузатилади.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Маданий мерос бошқармалари томонидан аниқланган 616 та маданий мерос объектининг рўйхати Маданий мерос агентлиги ҳузуридаги Илмий-эксперт кенгаши томонидан кўриб чиқилмаган.

Қонунчилик палатаси депутатларининг жойларда ўтказган ўрганиш ва ўрашувлари давомида қадимдан сақланиб қолган, аммо бугунги кунда ачинарли ҳолатда турган маданий мерос объектиларини тиклаш ва таъмирлаш борасида муаммолар мавжудлиги аниқланди. Қолаверса, фуқаролардан маданий мерос ёдгорликларини тиклаш хусусида ҳам қўллаб муҳофаза қилиб ўтди.

Шундан келиб чиқиб, мажлисда Бош вазир ўринбосари — туризм ва маданий мерос вазирини А. Абдуҳакимовга “Маданий мерос объектилари ҳисобини юритиш, сақлаш ва ҳимоясини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида” Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақида қарор қабул қилинди.

баъзи муаммолар ҳам мавжудлиги кузатилади.

Хусусан, айрим мутасаддилар томонидан 2022 йилда Ёшлар технопарклари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, бино ва иншоотларни сақлаш харажатларини молиялаштириш, шунингдек, жорий харажатларини қоплаш ишлари бажарилмаган.

Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида грант асосида молиялаштирилаётган стартап лойиҳалар танлови комиссияларида венчур жамғармалари ҳамда стартап лойиҳалар бўйича инвесторларни истиқболли лойиҳаларни танлашда, уларни амалга ошириш кузатишда қатнашмасликлари, бу жараёнда малакали эксперт ва менторларнинг иштироки таъминланмагани, учин-

чи томонни қўшимча сармоя киритишга қизиқтириш механизмлари мавжуд эмаслиги аниқланди.

Қолаверса, молиялаштирилган лойиҳаларни сифатли амалга ошириш, маблағларнинг ўзлаштирилиши ва лойиҳа натижаларини амалиётга жорий этиш билан боғлиқ муаммолар ҳам бор.

Шундан келиб чиқиб, “Ҳудудларда Ёшлар технопаркларини янада ривожлантириш, шунингдек, иқтидорли ёшларнинг го ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида” инновацион ривожланиш вазири И. Абдурахмоновга Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақида қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Қашқадарёнинг сайёҳлик салоҳиятини ошириш муҳокамаси кун тартибиди

Шаҳрисабз шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Туризм ва маданий мерос вазирликлари томонидан Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида “Ҳудудларни комплекс ривожлантириш асосида Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш: муаммолар ва истиқболлар” мавзусида халқаро давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати

Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, тегишли вазирлик ва идора раҳбарлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, халқаро ташкилотлар, илмий-академик доиралар, тадбиркорлик субъектлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатидан мақсад — ҳудудларни комплекс ривожлантириш асосида туризм соҳасини янада раванқ топтириш, мавжуд салбий омилларни бартараф қилиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилишдан иборатдир.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айланган туризм соҳаси пандемия даврида энг кўп зарар кўрди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, соҳани қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан солиқ имтиёзи ва преференциялар бериш, бюрократик тартиб-таомилларни содда-лаштиришни қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Туризм мамлакат ҳудудлари иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутади. Халқаро таърибда ҳудудларни комплекс ривожлантириш режалари ни малакали шакллантириш, туризм салоҳиятини максимал даражада ҳисобга олиш ва раванқ топтириш

орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва қўллаб ижтимоий муаммоларни ҳал этишга эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Иштирокчилар 2022 йил 19 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида ички ва ташқи туризм салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари юзасидан йилгили бўлиб ўтгани ва унда бошқа масалалар қатори Қашқадарёда ушбу соҳани ривожлантириш муаммолари танқидий муҳокама қилинганга эътибор қаратди.

Шу боис тадбирда ҳудудда транспорт ва туризм инфратузилмаси етарли даражада шаклланимагани, уларнинг халқаро стандартларга мос келмаслиги, туризм қорхоналарида кадрлар малакасининг етарли даражада эмаслиги, тармок салоҳияти ташқи бозорларда суст тарғиб қилиниши каби вилоят учун долзарб муаммоларни бартараф этиш йўллари таҳлил қилинди.

Яқунда вилоятнинг туризм салоҳиятини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Давлатимиз раҳбарининг “2022 — 2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида”ги қарори билан соҳага оид ишларни янги босқичга олиб чиқиш ва замон талаблари асосида келиб чиқадиган устувор вазифаларни амалга оширишнинг аниқ механизмлари белгилаб берилганди.

Таҳлил

Шундан келиб чиқиб, жорий йилга мўлжалланган Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижро этилиши ҳолати 27-28 август кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича парламент комиссияси ҳамда Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси аъзолари томонидан Андижон ва Фарғона вилоятлари мисолида назорат-таҳлил тартибидида ўрганилган эди.

Кеча ушбу парламент комиссияси ҳамда Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида мазкур масалалар атрофича муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ҳудудларда репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологияли тиббий ёрдам қўрсатиш тизимини тақомиллаштириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилган, тасдиқланган шtat

жадваллар асосида туманлараро перинатал марказлари очилган.

Шунингдек, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларининг 46 та туғуруқ бўлими неғизда ташкил этилаётган туманлараро перинатал марказларида хатловлар ўтказилган. Унинг натижаларига мувофиқ, мазкур туманлараро перинатал марказлари учун зарур бўлган жиҳозларга эҳтиёжлар аниқланиб, рўйхати шакллантирилган ва инвестиция лойиҳаларини мувофиқлаштириш бош бошқармасига тақдим этилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда, янги ташкил қилинган марказларнинг бино ва иншоотлари хатловдан ўтказилиб, реконструкция ва таъмирлаш ишлари олиб борилиши лозим бўлган муассасалар рўйхати шакллантирилган.

Мазкур перинатал марказларида фаолият кўрсатувчи 182 нафар ходим учун жорий йил-

нинг август ойида Россия Федерациясининг академик В. Кулаков номидаги Миллий акушерлик, гинекология ва перинатология илмий-тадқиқот маркази мутахассисларини жалб қилган ҳолда семинар, 90 нафарига Республикада ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика перинатал маркази томонидан семинар-тренинг ўтказилган.

Ўрганишлар жараёнида ҳудудларда соҳада эришилаётган ютуқлар билан биргаликда ўз ечимини кутаётган бир қатор камчиликлар ҳам мавжудлиги аниқланди. Перинатал марказлари ташкил этишни режалаштириш жараёнида мавжуд вазият таҳлил қилинмаганлиги, географик жойлашуви, бинонинг ҳолати, мавжуд ўринлар сони, бўлимлар структураси, хизмат кўрсата олиш ҳажм чегаралари ҳисобга олинмагани ва бу масалаларга маҳаллий ҳокимликлар етарлича эътибор қаратмаганилиги сабабли қатор муаммолар келиб чиққан.

Масалан, 46 та перинатал марказидан учтасининг (Кегейли, Пахтачи ва Янгйбозор туманларида) фаолияти шў кунга қадар йўлга қўйилмаган. Ишлайётган 43 та перинатал марказнинг аксариятида қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилмаган бўлса, айримларида (Каттақўрғон шаҳри, Фаллозор, Косон ва Нишон туманлари) чақалоқлар ва катталар реанимация бўлимлари ташкил қилинмаган.

Шу билан бирга, баъзи перинатал марказларига коммуникация тармоқлари етарлича тортилмаган, сув таъминотида ҳам узилишлар мавжуд. Хусусан, Шаҳрихон туманлараро перинатал марказида, Пахтаобод, Косон, Нишон, Янгйер туманлари туғуруқ бўлимларида коммуникация тармоқлари ва сув таъминоти билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Баҳс-мунозараларга бой бўлган йиғилишда дастур ижроси юзасидан республикада оналар, янги туғилган чақалоқлар учун самарали перинатал хизматларини яратиш, ташкил этилаётган туманлараро перинатал марказлари билан биргаликда реконструкция ва таъмирлаш ишларини тезлаштириш, шакллантирилган эҳтиёж асосида тиббий техника ва тиббий буюмларни белгиланган тартибда харид қилиш ва ҳудудларга етказиш борасидаги чора-тадбирлар натижадорлигини оширишга эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, эҳтиёждан келиб чиқиб барча янгидан ташкил этилган перинатал марказлари учун штат жадвалини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва малакали кадрлар билан таъминлаш бўйича тақлиф ва тавсиялар берилди.

Йиғилиш якунида билдирилган фикр-мулоҳазалар инобатга олиниб, тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Назорат

ТОПШИРИҚЛАР ИЖРОСИ ВА ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МАСАЛАЛАР

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг умуммиллий бойлиги бўлмиш моддий маданий мерос объектиларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини янада тақомиллаштириш, ноёбларини ҳар томонлама ўрганиш, оммалаштириш ва тарғиб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан соҳани ривожлантиришга қаратилган қатор Фармон ва қарорлар қабул қилиниб, уларни ижро этишининг аниқ механизмлари белгилаб берилди.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент қарорига мувофиқ, маданий мерос объектиларини муҳофаза қилиш ва сақлаш мақсадида жамоатчи инспекторларни бириктириш вазифаси белгиланган.

Бугунги кунда республикамиздаги 4 минг 599 та маданий мерос объекти бўйича жамоат инспекторлари бириктирилган халқимизнинг асрлар давомида шаклланган маданий меросни асраб-авайлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектиларини миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги тегишли қарори билан “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектиларини миллий рўйхати” тасдиқланган.

Миллий рўйхатга асосан ҳозирда республика бўйича жами 8 минг 210 та моддий маданий мерос объекти давлат муҳофазасига олинган. Шундан 4 748 таси археология, 2 252 таси архитектура ва 678 таси монументал санъат ёдгорликлари, 532 таси эса диққатга сазовор жойларни ташкил қилди.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Маданий мерос бошқармалари томонидан жами 616 та маданий мерос объектини миллий рўйхатга киритиш масаласи Маданий мерос агентлиги ҳузуридаги Илмий-экс-

«Халқ сўзи».

Парламент сўрови

МАҲАЛЛИЙ ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР ЭКСПОРТИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

Президентимизнинг “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тўбдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (Технопарк) учун ахборот технологиялари маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида экстерриториаллик принципи асосида ташкил қилиниши кўзда тутилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ахборот технологиялари соҳасини ва дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ушбу соҳадаги стартап лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ички ва ташқи бозорларда дастурий ва юқори технологияли маҳсулотлар ва хизматларни тарғиб қилишга қўмаклашиш кўзда тутилган ва тегишли чора-тадбирлар белгиланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси томонидан юқорида келтирилган ҳужжатлар ижроси юзасидан ўрганишлар олиб борилиди.

Мазкур жараёнда соҳани ривожлантириш бўйича белгиллаб берилган вазифалар ижросини самарали ташкил қилиш, технопарклар фаолиятини ривожлантириш ҳамда иқтидорли ёшларнинг го ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилганлиги билан бирга, айрим муаммолар ҳам мавжудлиги кузатилади.

«Халқ сўзи».

БИЛИМЛИ ЁШЛАР – МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва унинг янги технологик ривожланишга ўтиш жараёни дунё товар ҳамда молия бозорларида, рақамли технологияларни жорий этиш соҳасида, шунингдек, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий, ўсиб бораётган муаммоларини ҳал қилиш усулларида рақобатнинг тобора кучайишига олиб келмоқда.

Шу сабабдан ривожланаётган мамлакатлар рақобатбардошликни ошириш ва мустақамлаш бўйича юқори технологияли ишлаб чиқаришни ва глобал маркетингни фаол ўзлаштириш, устувор йўналишларда ўз илмий мактабларини очили, тажрибали ва малакали мутахассисларни жалб этиш, инновацион салоҳиятга эга истиқболли стартапларни қўллаб-қувватлаш, узоқ муддатли барқарор ривожланишнинг молиявий ва институционал асосларини яратиш учун давлат имтиёзларидан мақсадли фойдаланиш каби чораларни кўрмоқда.

Олий таълим

Мазкур масалаларнинг асосий ечими илм-фан ва инновациялар соҳасида етакчи мамлакатлар қаторидан ўрин олиш, тўртинчи санат инқилоби даврида халқаро рақобатбардошликка эришиш, тўпланган институционал муаммоларнинг янги ечимларини излаб топиш, шунингдек, глобаллашув туфайли юзага келаётган баҳсли масалаларни ҳал қилиш кабиларда намён бўлади. Глобал рақобат шароитида иқтисодиётда устувор йўналишлар ривожини таъминловчи илмий тадқиқотлар ҳамда инновацион ишланмаларни амалга оширувчи экотизимни шакллантириш энг асосий вазифа ҳисобланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда илм-фан соҳасини устувор ривожлантириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган 20 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, улар узлуксизлик, очилик, шаффофлик ва рақобат таъминиларига асосланган.

Хусусан, Ўзбекистонни 2030 йилга қадар глобал инновацион индекс рейтингига дунёнинг 50 та етакчи давлати қаторига киритиш бўйича улкан мақсадга эришишда инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган стратегик режа эълон қилинди. Маз-

кур мақсад илм-фан соҳасини замонавий иқтисодиёт талабларига мослаштиришдан иборат бўлиб, ўз навбатида, илм-фандаги тегишли ҳуқуқий база билан тартибга солинадиган туб таркибий, ташкилий, молиявий ҳамда кадрлар ва инфратузилмага оид ислохот-ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган.

Президентимизнинг 2021 йил 13 июлдаги “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги Фармонида кўра, хориждаги нуфузли олий таълим муассасаларида таълим олаётган, илм-фан билан шуғулланаётган, етакчи компанияларда ишлаётган ҳамда юксак билим ва малакага эга бўлган Ўзбекистон ёшларининг Ватанимизга келиб ишлаши учун зарур шарт-шароит яратиш, уларга уй-жой ажратиш, муносиб маош тўлаш бўйича янги тизим жорий этиляпти.

Мамлакатимизнинг илм-фан сектори 100 дан ортиқ академик ва тармоқ илмий муассасаларидан иборат бўлиб, ҳозирги кунда 65 та илмий-тадқиқот институти, 31 илмий марказ (шундан 14 та ихтисослаштирилган илмий-амалий марказ) ва 8 та бошқа турдаги илмий ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, олий таълим му-

ассасалари ва уларнинг филиалларида ҳам илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Мазкур Фармонда давлат органлари, ташкилот ва муассасаларида фаолият кўрсатаётган нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларининг юқори 500 талих рўйхатига киритилган хорижий олий таълим муассасаларини (бакалаврият, магистратура) тамомлаган ёки уларда илмий даража (PhD ва унга тенглаштирилган бошқа илмий даража) олган ёш мутахассисларнинг лавозим маошига Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўшимча устамалар тўлаш тартиби амалда.

Фармон билан белгиланган қўшимча устамалар Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, ёш мутахассис ва унинг иш берувчиси ўртасида имзоланган шартнома асосида ҳар ой тўлаб борилади. Шартнома 3 йилгача бўлган муддатга тузилди ва тўловлар иш берувчи томонидан амалга оширилади. Ушбу Фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Нурафшон филиалида ҳам бир қатор чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Ушбу муассасада 5 та таълим йўналиши ва 2 та магистратура

мутахассислиги бўйича 200 нафардан зиёд талабалар билим олаётди. 2021 йилда “Quacquarelli Symonds” (QS) ташкилоти рейтингига 319-ўринда турадиган Москва шаҳридаги “ММФИ” миллий тадқиқот ядро университети-нинг “Ядро физикаси ва технологияси” мутахассислиги бўйича магистратура даражасини олган Нодирбек Аҳмеджонов компьютер инжиниринги факультети Ахборот технологиялари кафедрасида стажёр-ўқитувчи лавозимда ишлаб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Нурафшон филиали ўртасида имзоланган шартнома асосида ушбу ёш мутахассисга ҳар ой ўрнатилган тартибда қўшимча устамалар тўлаб келинмоқда. Бу эса, ўз навбатида, унинг зиммасига ўз устида кўпроқ ишлаш, талабаларга сифатли билим бериш масъулиятини юклайди.

Қисқача айтганда, мустақил ҳаётга қадам қўётган йигит-қизларни муносиб иш ва даромад манбаи билан таъминлаш, уларга замонавий касб-хунарлар, ахборот технологияларини ўргатиш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бинобарин, таълим, илм-фан ривожлантириш йўлида асосий таянчимиз бўлган ёшларга эътибор ва қамқўрлик кўрсатиш, уларга барча соҳада ўз иқтисоди ҳамада салоҳиятини тўлиқ намён этиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Нурбек НАСРУЛЛАЕВ,
Мухаммад ал-Хоразмий номидаги
ТАТУнинг Нурафшон филиали
директори.

Шароф Рашидов таваллудининг 105 йиллиги

ЭЛ-ЮРТ ТАҚДИРИГА ЖОНКУЯРЛИК ВА САДОҚАТ НАМУНАСИ

Шу кунларда халқимизнинг буюк фарзанди, атоқли давлат арбоби, таниқли шоир ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 105 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

Тошкент фотосуратлар уйида Шароф Рашидов номидаги халқаро жамоат фонди, Ўзбекистон Бадий академияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган фотокўргазма ана шундай тадбирлардан бири бўлди.

“Шароф Рашидов — сиёсатчи ва дипломат” мавзусидаги кўргазмада давлат ва жамоат арбоблари, тарихчи олимлар, сиёсатшунослар, ижодкор зиёлилар, ёшлар, Шароф Рашидовнинг фарзандлари, дўстлари, ҳамкасблари, шогирдлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Тадбирнинг очилишида Шароф Рашидов давлат арбоби, сиёсатчи ва дипломат сифатида Ватанимиз тарихидан муносиб ўрин эгаллагани таъкидланди. Собик мустабид тузум даврида яшаган ва фаолият олиб борган бу инсон турли тазйиқ ва синовларга қарамай, халқимизга садоқат билан хизмат кўрсатди. Республикага раҳбарлик қилган йилларида қанчадан-қанча шахару қишлоқлар обод бўлди. Илм-фан, таълим ва соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида улкан муваффақиятларга эришилди. Минглаб гектар қаровсиз ерлар ўзлаштирилиб, зироатчилик ривожлантирилди. Халқнинг турмуш даражаси яхшиланди. Мамлакатда юзлаб завод ва фабрикалар қурилди, боғу роғлар, ҳибёнарлар барпо этилди. Юртдошларимиз, айниқса, бу инсон бошчилигида 1966 йилдаги қўллаб қайроғнагарчиликлар келтирган зилзиладан сўнг қисқа муддатда замонавий Тошкентнинг мустахкам пойдевори яратилганини яхши эслайди.

Афсуски, Шароф Рашидов вафот этган, собиқ тузум мафқуричлари томонидан ушбу давлат арбоби шаънига турли бўҳтон, тўхмат ва маломатлар ёғдирилди. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши билан тарихий адолат тикланди. Шароф Рашидов номи миллатпарвар, халқсепар, фидойи, жонқуяр, бағрикенг раҳбар, атоқли адиб сифатида абдийлаштирилди.

Кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда Шароф Рашидов хотирасини улуғлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Халқимизнинг хоҳиш-истаклари инобатга олинб, унинг 100 йиллиги таваллуд тўйи бутун юртимиз миқёсида кенг нишонланди. У киши туғилб қамолга етган Жиззах заминидан мухташам ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. Мемориал уй-музейи ташкил қилинди. Жиззах тумани Шароф Рашидовнинг муборак номи берилгани халқимиз томонидан катта хурсандчилик билан қутиб олинди. Зотан, Президентимиз таъбири билан айтганда, бу улуг инсоннинг бетақдор тимсоли барчамизни Ватанни ҳақиқий фарзандлик меҳри билан севишга, унга ва ўзбек



халқига садоқат билан хизмат қилишга даъват этиб туради.

Фотокўргазмада ўта оғир даврда республикага раҳбарлик қилган атоқли давлат арбоби ва адиб фаолияти акс эттирилган. Турли йилларда кечган воқеа-ҳодисалар тасвири муҳрланган суратларга назар солар эканисиз, бу инсоннинг моҳир сиёсатчи ва дипломат эканлигига яна бир бор амин бўласиз. Кўргазмадан, асосан, “учинчи дунё” давлатларига расмий ташрифлар ва хорижий сафарлар чоғида тасвирга туширилган 80 дан ортиқ нодир асарлар ўрин олган. Жумладан, Шароф Рашидов 1956 йилда собиқ иттифок делегацияси таркибида Покистон, Ҳиндистон, Бирма, Вьетнам, Хитой, Мўғулистонга сафар қилди. Ушбу ташрифлар муваффақияти шу билан изоҳланадики, мазкур воқеалар натижасида нафақат собиқ иттифок, балки республиканинг ташқи дунё, айниқса, мустамлакачилик қарамлигидан озод бўлган мамлакатлар билан алоқалари янада кенгайди.

— Ушбу фотокўргазма қалбимда илиқ хотираларни жонлантирди, — дейди Гулнора Рашидова. — Отамиз билан боғлиқ ҳар бир экспонат биз учун қадрли. Уларда Ватан равнақи учун ором билмас, ҳақиқий жонқуяр, жасоратли ва матонатли шахс қиёфаси намён бўлиб турибди. Бугун бу инсон хотирасига қўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиромдан ниятда хурсандимиз.

Тадбир давомида Ўзбекистонда илк бор тақдим этилган ноёб лойиҳа — Шароф Рашидовнинг интерфаол онлайн-музейи тақдими ҳам бўлиб ўтди. Virtual музей экспозициясидан унинг ҳаёти, мамлакатимиз тараққиётига қўшган ҳиссаси тўғрисида ҳали қўпчиликка маълум бўлмаган нодир саҳифалар ўрин олган.

Мобиль фотокўргазма, шунингдек, Жиззах ва Самарқанд шаҳарларида ҳам ўтказилиши режалаштирилган.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

ФУҚАРОЛАР ТАЛАБ ВА ИСТАКЛАРИ ЭЪТИБОРДА

Аввал хабар берилганидек, яқинда Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси томонидан фуқаролар қабули ташкил этилди.

Қабул

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида”ги Қонун нормалари асосида ташкил этилган қабул жараёнида турли ҳудудлардан келган 40 дан зиёд

фуқароларнинг муаммолари, талаб ва истаклари, фикр-мулоҳазалари эшитилди.

Эътиборлиси, қабул давомида 15 нафарга яқин фуқароларга ҳуқуқий

маслаҳат ва тушунтиришлар, муаммолар ечими юзасидан тўғри йўналишлар берилган бўлса, 25 нафарининг муносабатлари қабул қилиниб, тегишли тартибда расмийлаштирилди ҳамда қўмита томонидан назоратга олинди.

Муносабатларнинг аксарият қисмини низоли уй-жой, моддий ёрдам, даволаниш, фермер ҳўжаликлари ва ер ажратиш билан боғлиқ муаммолар,

мансабдор шахсларнинг ҳаракатсизлиги, суд-ҳуқуқ йўналишига алоқадор масалалар ташкил этди.

Мулоқот давомида муносабатларни тўлиқ ўрганиб чиқиш ва натижаси юзасидан қонуний қарор қабул қилиш бўйича мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳудудлардаги масъулларга тегишли кўрсатмалар берилди.

«Халқ сўзи».

БУХОРО ЖАҲОН ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ МАРКАЗИГА АЙЛАНАДИ

Натижада вилоятга ташриф буюрувчи зиёратчи ва саёҳатчилар ҳисобига 2021 йилда жойлаштириш воситалари бандлиги 32,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилнинг 1 июнь ҳолатида бу кўрсаткич 80 фоиздан ошганлигини кўрсатмоқда.

“Етти пир” мажмуига кирувчи 7 та зиёратгоҳда кластер кўринишида кўрсатиладиган хизматлар сифати яхшиланмоқда, уларга олиб борувчи йўл бўйлари, зиёратгоҳ ичкари қисмларида хариталар, зиёрат одоби, тарғибот воситалари ўрнатилди. Таниқли олим К. Раҳимов муаллифлигида “Етти пир олтин силсиласи” номили китоблар тўплами бир неча тилларда нашр этилди.

2019 йилда Бухоро шаҳрида I халқаро зиёрат туризми форуми ўтказилганлиги, тадбир якунида мамлакатимизни зиёрат туризми марказларидан бири сифатида эътироф этиш тўғрисидаги “Бухоро декларацияси” қабул қилинганлиги, Пойи Калон ансамбли “ШХТнинг 8-мўъжизаси” сифатида эътироф этилганлиги, 2021 йилда ISESCОнинг “Ислом олами мероси” рўйхатига киритилганлиги, 2022 йилнинг май ойида “Декларациялар мулоқоти” халқаро форумининг Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган якуний босқичида Ўзбекистон ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг эътиқод эркинлигини тарғиб қилиш борасидаги “Диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик” йўналиши бўйича “Бухоро декларацияси” қабул қилинганлиги шариф шаҳарнинг зиёрат маркази сифатида эътироф этилишига катта ҳисса қўшди.

2022 йилда Бутунжаҳон хунармандлар кенгаши томонидан Бухорога “Жаҳон хунармандлар шаҳри” мақоми берилиши, шунингдек, Туркий давлатлар ташкилоти томонидан Бухоро шаҳри “Туркий дунёнинг ёшлар пойтахти” деб эълон қилинганлиги шаҳарнинг нуфузини янада мустаҳкамлади.

Халқаро зиёратчилар оқимини ошириш мақсадида хорижий авиокомпаниялар билан олиб бориладиган музокаралар натижа-

сида 2021 йилда Бухоро халқаро аэропортига маҳаллий ва тўғридан-тўғри авиақатновлардан ташқари Европа, Туркия, Россия, Қозғистон каби мамлакатлардан жами 871 чартер рейси амалга оширилган бўлса, жорий йилда шу каби авиақатновлари 1200 тага етказиш устида ишлар олиб боришмоқда.

Вилоят ҳокимлиги, Туризм ва маданий мерос вилоят бошқармаси, жамоат ташкилотлари, олий ўқув юртлири ҳамкорлигида Бухоронинг зиёрат туризми салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш бўйича бир қатор ишлар режалаштирилган.

Хусусан, яқинда вилоят делегацияси Малайзия ва Индонезия давлатларида бўлиб қайтди. Дунёнинг энг катта мусулмон ташкилоти саналган Надхлатул Уламо раисати билан учрашувда мазкур ташкилот ва Бухоро вилояти ўртасида яқин биродарлик муносабатларини йўлга қўйиш ҳусусида фикрлашилди. Шунингдек, учрашувда туризм йўналишидаги соҳа вакиллари билан музокаралар олиб бориш орқали Бухоронинг зиёрат туризмни кенг тарғиб қилиш, авиақатновларни йўлга қўйиш ва Индонезиядан сайёҳлик оқимини кўпайтириш каби масалалар муҳокама марказида бўлди.

Мулоқотда Индонезия — Ўзбекистон, Ўзбекистон — Саудия Арабистони — Индонезия йўналишларида авиақатновларни йўлга қўйиш, Бухорода ислом дунёси олимлари иштирокида учрашувлар ташкил этиш, Бухоро ва бухорийлар ҳақида ҳужжатли фильм суратга олиш ва уни Индонезия телеканаллари орқали эфирга узатиш, зиёрат туризми маршрутларини Самарқанддаги Имом ал-Бухорий зиёратгоҳи орқали Бухородаги етти пир зиёратгоҳларига бағлилаш, юртимизнинг зиёрат туризми салоҳияти ва маданий-тарихий меросини Индонезия жамоатчилиги орасида кенг тарғиб қилиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Хайрли ишларнинг давоми сифатида Ўзбекистоннинг зиёрат туризми элчиси, Малайзиянинг Перлис шаҳри муфтийси



Моҳд Асри бин Зайдул Абидин билан учрашув, Куала-Лумпур шаҳрида жойлашган олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар билан давра суҳбати ташкил этилди. Малайзия миллий университети, Ислом цивилизацияси институти фаолияти билан яқиндан танишилиб, биригилда тадқиқотлар олиб бориш, конференция ва семинарлар уюштиришга келишиб олинди.

Малайзиянинг MSU (Management and Science university) ҳамда IUUM (Institute of Islamic Understanding Malaysia) университетларига ташриф мобайлида эса бир қатор келишувларга эришилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, MSU Малайзиянинг энг илгор ривожланаётган олий таълим муассасаларидан бўлиб, унда илм-фанинг барча соҳасида кадрлар тайёрланади. Учрашувда қўшма дастурлар очилиш, талабалар алмашинувини йўлга қўйиш ҳамда университетнинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйишга келишиб олинди.

“Индонезия — Ўзбекистон маданият куни” доирасида Индонезиянинг Гунадарма университетидаги тадбирда Бухоро давлат университети — Гунадарма қўшма магистратура босқичи талабалари ҳам иштирок этдилар. Тадбир мобайлида “Сунъий интеллект” йўналишида янги магистратура қўшма дастурини ташкил этишга келишиб олинди.

Делегациямиз Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида ўтказилаётган III Жаҳон ислом туризми конференцияси-

да ҳам иштирок этди. Конференция доирасидаги кўргазмада қатнашган вилоятимиз туризм қорхоналари Бухоро билан Малайзия ўртасида зиёрат туризми оқимларини кўчатириш бўйича ҳамкорлик шартномасини имзолади.

Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги “2022 — 2026 йилларда Бухоро вилоятида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ҳам вилоятга туризм кўрсаткичларини сон ва сифат жиҳатидан янада ошириш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб ўтилган. Жумладан, 2026 йилга бориб хорижий ва маҳаллий туристлар сонини 6 миллион нафарга, экспорт ҳажмини 300 миллион АҚШ доллари етказиш, вилоятдаги 800 дан зиёд маданий мерос объектиларини бирма-бир реставрация қилиш билан боғлиқ кенг қўламли ишлар режалаштирилган. Аҳамиятли томони эса чора-тадбирларнинг аксарият қисми зиёрат туризмга тегишлилиги.

Қарорда белгиланишича, Бухорода илмий туризмнинг манбаъшунослик йўналиши ривожлантирилди, ушбу йўналишида манбалар таржима қилинади, илмий ишларда фойдаланиш учун нуска қўчирилади ва кўргазмадан ўтказилади, қўлёзмалар, ноёб ва алоҳида қийматга эга бўлган наشرларни ЮНЕСКОнинг “Жаҳон хотира-си” рўйхатига киритилиши бўйича зарур чоралар қўрилади.

Тасаввуф оламида машҳур бўлган “Қасри Орифон” бренди остида етти пир зиёратгоҳлари бўйича туризм махсулотларини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш, Бухоронинг хорижий мамлакатлардаги тасаввуф марказлари бўлган ҳудудлар билан биродарлашган шахарлар муносабатини ўрнатиш, бухорилик алломаларнинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш, www.ziyorattour.uz веб-сайтини ривожлантириш ва бошқа қўллаб амалий ишлар ушбу қарорда ўз ифодасини топган.

Умуман, Бухорога зиёрат мақсадида кел-

ган сайёҳлар мамлакатлар кесимида таҳлил қилинганда, Малайзия ва Индонезия алоҳида-алоҳида ўрин тутди. Индонезиянинг 270 миллиондан ортиқ аҳолиси бўлиб, уларнинг 88 фоизидан ортиғи мусулмонлардир. Бу — Индонезия дунёнинг энг катта мусулмон мамлакатаи деганидир.

Малайзия эса 2015 йилдан бери “Мусулмон саёҳати” глобал индексида (GMTI) мусулмонлар орасида энг яхши туристик йўналиш мақомини сақлаб келмоқда.

Зиёрат туризмни ривожлантириш, албатта, илмий ёндашув ҳамда соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш билан чамбарчас боғлиқ. Зиёратчиларнинг миллати, дини, характери, маъқул қўрувчи таомлари, тақлиф этиладиган турларнинг қўламли илмий асосланган ечимларини талаб қилади. Туризм ва меҳмонхона хизматларининг юқори савияда ташкил этилиши эса малакали кадрларга боғлиқ.

Шу боис ҳам туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш, ҳодимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш борасида бир қатор ишлар олиб боришмоқда. Айни чоғда бундай кадрлар Бухоро давлат университети ҳамда Бухоро туризм ва маданий мерос техникумида тайёрлаб келинмоқда. Таъкидлаш жоизки, Бухоро давлат университетида Франциянинг жаҳонга машҳур,



айни пайтда жаҳон рейтингига 11-ўринни эгалловчи Вател туризм ва меҳмонхона бизнес мактаби франшизаси асосида бакалаврият дастури муваффақиятли амалга ошириб келинмоқда.

Шунингдек, Индонезиянинг энг яхши хусусий университети сифатида тан олинган Гунадарма университети билан ҳамкорликда “Рақамли туризм” қўшма магистратура дастури ҳам йўлга қўйилган.

Ушбу дастурлар талабаларининг аксарият қисми бугунги кунга қадар Франция ва Индонезияда малакавий амалиётлардан ўтиб, ўз билим ва қўпчиликни ошириб қайтди. Университетнинг иқтисодиёт ва туризм факультетида ҳам жаҳоннинг етакчи таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, факультет ўқитувчи ва тадқиқотчилари доимий равишда хорижий университетларда стажировкада бўлиб қайтмоқда. Бухоро туризм ва маданий мерос техникумида ҳам Франциянинг Руан университети билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Сирасини айтганда, бугунги кунда сайёҳлик замонавий иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан биридир. Масалан, жаҳон бўйлаб зиёрат туризми сайёҳлари сони пандемиядан олдинги даврда бир йилда 300 — 330 миллион нафарни, тушум эса 18 миллиард АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этган эди. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг маълумотига кўра, шу йилнинг етти ойида жаҳон бўйлаб туризм пандемиядан илгариги кўрсаткичнинг 60 фоизига етганини, йил охиригача бу рақам янада ошишини кўрсатмоқда.

Демак, туризм соҳасидаги барча тенденциялар фақат ўсишни кўрсатаётган бир даврда мамлакатимизда туризмни янада ривожлантириш, жумладан, Бухорони зиёрат туризми марказларидан бирига айлантириш учун имконият ҳам, салоҳият ҳам етарли. Ишонамизки, Бухоро вилоятида зиёрат туризмни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган бугунги ишлар, албатта, ўз самарасини беради.

Обиджон ҲАМИДОВ,
Бухоро давлат университети ректори.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1148. 13 670 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.